

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВА ДИЛФУЗА МЕЛИЕВНА**

**МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Махмудова Дилфуза Мелиевна**

Муаммоли таълим технологиялари асосида талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш методикаси.....3

**Махмудова Дилфуза Мелиевна**

Методика развития креативной деятельности студентов на основе технологий проблемного обучения.....27

**Makhmudova Dilfuza Melievna**

Methodology for the development of students' creative activity based on problem-based learning technologies.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВА ДИЛФУЗА МЕЛИЕВНА**

**МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Ватирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/Ped146** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([cspri.uz/uz/ilmiy-kengash](http://cspri.uz/uz/ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мухомедов Гафурджан Исраилович к.и.ф.н. доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эргашев Мухаммадрасул техника фанлари доктори, профессор Бегимкулов Улоқбой Шаймукулович педагогика фанлари доктори, профессор Якубжанова Дилобар Батировна педагогика фанлари доктори (DSc), доцент
Етабчи ташкилот:	Бухоро Давлат Университети

Диссертация хисовси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти DSc 03/30.04.2021.ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26 март» кунги мажлисида бўлиб ўтди. (Махсил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: [cspri-kengash@gmail.uz](mailto:cspri-kengash@gmail.uz).)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш муносиби (91 рақам билан рўйхатга олинган). Махсил: 111720, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.)

Диссертация автореферати 2022 йил 26 март кунин тарқатилди.  
(2022 йил «26 март» кунин 24 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]  
Ж.Э.Усаров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, доцент

[Signature]  
Г.О.Эржазарова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.б., педагогика фанлари доктори, профессор

[Signature]  
Р.А.Эшчанов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қосидаги Илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бўлажак информатика ўқитувчилари касбий тайёргарлиги мазмунини компетентли ёндашув асосида такомиллаштиришда муаммоли таълим имкониятларини кенгайтириш, миллий ўқув дастурларининг янги авлодини ишлаб чиқиш, информатика фанини ўқитишнинг рақамли технологияларга асосланган ўқув-услубий таъминотини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини ривожлантиришга доир халқаро баҳолаш дастурларини (PISA, TIMSS) кенг жорий этиш, бўлажак информатика ўқитувчиларининг инновацион-касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, ахборот таълим муҳити шароитида креатив фаолиятни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда талабаларнинг креатив тафаккурини ривожлантиришнинг эвристик технологияларини квалиметрик жиҳатларига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш, муаммоли ёндашув асосида информатикани ўқитишнинг методик усулларини ишлаб чиқиш, бўлажак муатахассисларни муаммоли-ижтимоий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион моделларини лойиҳалашнинг дидактик тамойилларини аниқлаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, олий таълимда информатикани касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш орқали талабаларнинг креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш, муаммоли ўқитиш технологияларини лойиҳалаш асосида талабаларнинг ижодий қобилиятларини оширишнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш, чизма-тасвирий моделларни қўллаш орқали информатика ўқитишда талабаларнинг суперфикрлаш лаёқатини таркиб топтиришнинг методик усулларини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади.

Республикамизда информатикани ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, информатика таълим мазмунини компетенциявий ёндашув асосида тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, инновацион ёндашувлар асосида бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашнинг методик тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида келажак касблар учун зарур бўладиган малакали битирувчиларни тайёрлашда илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда умумтаълим муассасаларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш дастурини қайта кўриб чиқишга йўналтирилган «IT-Nation» дастурини жорий этиш»<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу эса, информатика ўқитиш жараёнида талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини асослаш, талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи муаммоли

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

топшириклар тўпламини яратиш, информатика ўқитиш жараёнида талабалар креатив фикрлашининг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолашнинг диагностик тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Талабаларнинг креатив фаолиятини муаммоли таълим технологиялари асосида ривожлантириш методикаси билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Малаазия Утара университети (UUM), Кент университети (Британия), Сингапур Миллий университети (Сингапур), Хоккайдо университети (Япония), Бошқирд давлат университети (БашГУ), Беларусь давлат университети (Беларусь Республикаси), Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Талабаларнинг креатив фаолиятини муаммоли таълим технологиялари асосида ривожлантириш методикасига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бир қатор, жумладан, таълим олувчиларда табиий-илмий саводхонликни ривожлантириш орқали шахсий-креатив салоҳиятни оширишнинг эдукологик жиҳатлари аниқлаштирилган (Малайзиянинг Утара университети (Universiti Utara Malaysia); талабаларнинг индивидуал

---

<sup>2</sup> Гоулман Д. Эмоциональный интеллект в бизнесе. – М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2013. – 512 с.; Митина Л.М. Профессиональная деятельность и здоровье педагога: Учеб.пособие для студ. высш.учеб.заведений. – М.: «Академия», 2005; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций. Инновации в образовательной школе. Методы обучения: сборник научных трудов. – М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. – С. 65-79; Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании. – М.: «Эйдос», 2005. <http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm>.

хусусиятларини ҳисобга олувчи ва информатикани ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган ёндашув асосида креатив фаолиятни ривожлантириш моделлари такомиллаштирилган (Кент университети (University of Kent)); бўлажак информатика ўқитувчиларида креатив фаолиятни ривожлантиришнинг STEAM-таълим технологиялари ишлаб чиқилган (Сингапур Миллий университети (The National University of Singapore)); бўлажак информатика ўқитувчиларида креатив фикрлашни ривожлантиришнинг аутодидактик тизими ишлаб чиқилган (Хоккайдо давлат университети (Hokkaido University)); бўлажак информатика ўқитувчиларида касбий компетентликни ривожлантиришнинг методик механизми такомиллаштирилган (Бошқирд давлат университети (Bashkir State University)); акмеологик ёндашув асосида бўлажак информатика ўқитувчилари креативлигини ривожлантириш тузилмаси ишлаб чиқилган (Беларусь давлат университети (Белорусский государственный университет)), ахборот таълим муҳити шароитида информатика ўқитишнинг модернизациялашган тизими яратилган (Ўзбекистон Миллий университети); кредит-модуль тизими асосида бўлажак информатика ўқитувчиларининг креативлигини ривожлантиришнинг индивидуал траекторияси аниқлаштирилган (Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти).

Жаҳонда талабаларнинг креатив фаолиятини муаммоли таълим технологиялари асосида ривожлантириш методикаси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий методик асосларини технологик ёндашувнинг қайта алоқа, тизимлилик, субъективлик ва натижавийлик тамойилларини амалий тавсияга эга бўлишини ҳисобга олиш асосида такомиллаштириш; олий таълим муассасаларида муаммоли таълим технологияларини қўллашнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш; рақамли таълим шароитида талабаларнинг ахборотлар билан ишлаш ҳамда информатика фанини ўқитиш жараёнида тадқиқотчилик компетенциясини узлуксиз ривожлантириб бориш механизминини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда креатив семинар машғулотларини тайёрлаш, ўтказиш ва сифатини баҳолаш бўйича Х.Н.Зайниддинов, А.Х.Махмудов, Л.И.Максудова, М.Эргашов; информатика ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш А.Абдуқодиров, М.Арипов, Ф.Закирова, Н.Тайлақов, М.Р.Файзиева; компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг назарий асослари У.Иноятов, Н.Муслимов, О.Мусурмонова, Б.Ходжаев, М.Ваҳобов, М.Мирсолиева, М.Пардаева, А.Антюхов; таълимда мустақил ва ижодий ёндашув, мантиқий тафаккур, компьютер саводхонлиги ва касбий компетентликни ривожлантиришга оид ишлар У.Бегимқулов, М.Лутфуллаев, И.Юлдашев, Н.С.Ҳайтуллаеваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида информатика ва ахборот технологияларини мактаб ва олий таълим муассасаларида ўқитиш

методикаси масалалари, шунингдек, информатика ўқитиш жараёнида шахсининг ижодий сифатларини ривожлантириш имкониятлари Н.Галызина, А.Кузнецов; ўқитувчининг креатив фаолияти тушунчаси, шунингдек, унинг шаклланиши ва ривожланишининг мумкин бўлган йўллари И.П.Никитина, И.П.Ильин, Н.Ю.Хрящева; талабаларнинг креатив ва ижодий қобилиятини шакллантиришнинг асосий мазмуни И.Сухих, Е.Зеер, Н.Хрящева, О.Буториналар томонидан тадқиқ этилган. Муаммоли таълимни дидактик тизим сифатида С.Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, А.М. Матюшкин, Т.В. Кудрявцевлар илмий асослаб берган.

Хорижлик олимлардан К.Роджерс, Р.Стернберг, И.Кулка, П.Торренс, А.Маслоу, Fisher D, Frey N., Kim К.Н., Amabile Т.М. ва Шарлотта Бюлерларнинг илмий изланишларида креатив тафаккур, ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг амалий-технологик жиҳатлари ўз аксини топган. Муаммоли таълим ғояси ва унинг психологик асосларини турли хил модификацияларда Джон Дьюи, В.Оконь ишлаб чиққан.

Халқаро баҳолаш дастурларини мамлакатимиз таълим тизимига кенг жорий этиш шароитида бўлажак информатика ўқитувчиларида креатив фаолиятни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, информатика ўқитиш жараёнида талабалар креатив фаолиятини ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини асослаш, талабаларнинг креатив фикрлаш даражасини ривожлантиришга хизмат қилувчи муаммоли-изланишга доир масала ва топшириқларни лойиҳалаш йўллариини такомиллаштириш зарурати мазкур йўналишда махсус илмий изланишлар олиб боришни тақозо этди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Мазкур тадқиқот иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 01-729-рақамли «Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш» (2018-2021 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** информатикани ўқитиш жараёнида талабаларнинг креатив фаолиятини муаммоли таълим технологиялари асосида ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ижодий муҳит барқарорлигини таъминлаш, индивидуал-когнитив стратегияларни мақбуллаштириш билан алоқадорлигини қатъий белгилаш орқали талабалар креатив фаолиятини ривожлантиришнинг методик тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

муаммоли ёндашув асосида талабалар креатив фаолиятини ривожлантиришнинг вертикал педагогика билан интеграциялашган моделини ишлаб чиқиш;

информатикани ўқитиш жараёнида талабалар креатив фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган, муаммоли-изланишли-креатив вазиятларни интенсив қўллашга доир топшириқларни тузиш ва қўллашнинг дидактик хусусиятларини аниқлаштириш;



талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи Амалий дастурлар пакети курсининг «MS Excell» ва «MS Word» бўлимларига оид муаммоли топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришда «Креатив–Муаммо–Интегратив ўрганиш» («Creative+Problem+Integrative Learning») технологиясининг самарадорлигини тажриба-синов ишлари орқали аниқлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида талабалар креатив фаолиятини муаммоли таълим технологиялари асосида ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти ва Навоий давлат педагогика институтининг 341 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни информатикани ўқитиш орқали талабаларда креатив фаолиятни ривожлантириш мазмуни ва методик тизими ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда илмий-методик адабиётлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, педагогик кузатиш, анкета, тест, креативликни аниқлаш методикалари, моделлаштириш, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришнинг методик тузилмаси мотивацион-шахсий, фаолиятга доир, рефлексив-баҳоловчи компонентларни ижодий муҳит барқарорлигини таъминлаш, индивидуал-когнитив стратегияларни мақбуллаштириш билан алоқадорлигини қатъий белгилаш, шахснинг реал ва реаллашмаган креатив салоҳиятини ҳисобга олишга асосланган ижодий жараёни ташкил этиш орқали аниқлаштирилган;

бўлажак информатика ўқитувчиларида креатив фаолиятни ривожлантириш моделини амалиётга тадбиқ этишнинг методик босқичлари креативликка йўналтирилган муаммоли топшириқларни тузиш ва ечиш тамойиллари ҳамда ижодий ва амалий мазмундаги масалаларга қўйилган талабаларнинг (ингерентлик, адекватлик) вертикал педагогика билан мақбул интеграциялашув даражаларининг ўзаро адекватлиги ва самарадорлиги валидлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

информатикани ўқитиш жараёнида талабалар креатив фаолиятини ривожлантиришнинг интерфаол таълимга асосланган тизими муаммоли-изланишли-креатив вазиятларни (харф ва рақамларни кодлаш, санок системалари билан ишлаш) интенсиф қўллашга доир изланишли, эвристик, лойиҳавий, креатив, компьютинг таълимнинг виртуал перспектив моделига асосланган топшириқларни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи муаммоли топшириқлар Амалий дастурлар пакети курсининг «MS Excell», «MS Word» бўлимларига оид топшириқларни (мураккаб фоизни ҳисоблашга оид, ПЛТ функциясини қўллашга доир ва «Қадамжолар луғати»ни тузиш)

муаммоли таълим технологиясини амалга ошириш даражаларининг горизонтал интеграллашувини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилган;

информатика ўқитиш жараёнида талабалар креатив фаолиятининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш методикаси инновацион салоҳиятга тайёргарликни таъминлашга хизмат қиладиган «Креатив–Муаммо–Интегратив ўрганиш» («Creative+Problem+Integrative Learning») технологиясининг ташкилий-жараёнли блокинни ўзаро биргаликда ҳаракатланувчи рамзлар занжири билан апликативлигини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли-изланишли-креатив топшириқлар тизими ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари талабалари учун «Математик мантиқ ва алгоритмлаш асослари», «Муҳандислик ва компьютер графикаси» номли дарсликлар ҳамда «Муаммоли таълим технологиялари асосида талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш методикаси» номли монография яратилган ва амалда фойдаланилмоқда;

муаммоли ёндашув асосида талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган;

информатика таълимида муаммоли ўқитиш технологияларини қўллашнинг бўйича доир методик кўрсатма ва тавсиялар тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** методологик ёндашув ва тамойилларга асосланганлиги, тадқиқий информатиканинг мантиқий асосларига таянилганлиги, тадқиқот усуллариининг валидлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари ва натижаларининг идентивлигини таъминланганлиги, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг апробациядан ўтказилганлиги, тажриба-синов ишларининг табиий лаборатория шароитида амалга оширилганлиги, олинган натижаларнинг аҳамиятлилик даражасини сифат жиҳатдан таҳлил қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш муаммосига доир миллий ва хорижий тажрибаларнинг тизимлаштирилганлиги, информатика таълимининг талабаларда креатив лаёқатни ривожлантиришга доир эдукологик имкониятларининг очиб берилганлиги, муаммоли-изланишли-креатив топшириқлар асосида талабаларнинг креатив фаолиятини ривожланганлигини баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги, креатив таълим муҳитини ташкил этишга қўйиладиган дидактик, методик ва эргономик талабаларнинг асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти муаммоли-изланишли-креатив вазиятларни интенсив қўллашга доир топшириқларнинг ишлаб чиқилганлиги, «Математик мантиқ ва алгоритмлаш асослари» ҳамда «Амалий дастурлар пакети» курсининг «MS Excell» ва «MS Word» бўлимларига оид топшириқлар ва кейсларнинг муаммоли таълим технологияси талаблари билан

интеграллашувини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилганлиги, муаммоли таълим муҳитини яратишнинг ташкилий-методик тизими, информатика ўқитиш жараёнида талабалар креатив фаолиятининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш ва баҳолашнинг диагностик тизимини такомиллаштирилганлиги ҳамда бўлажак ўқитувчилар креатив компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Муаммоли таълим технологиялари ёрдамида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантириш методикасига доир тадқиқот натижалари асосида:

талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришнинг методик тузилмаси мотивацион-шахсий, фаолиятга доир, рефлексив-баҳоловчи компонентларни ижодий муҳит барқарорлигини таъминлаш, индивидуал-когнитив стратегияларни мақбуллаштириш билан алоқадорлигини қатъий белгилаш, шахснинг реал ва реаллашмаган креатив салоҳиятини ҳисобга олишга асосланган ижодий жараённи ташкил этиш орқали аниқлаштиришга оид таклиф ва тавсияларидан «Муҳандислик ва компьютер графикаси» номли дарсликда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-сон буйруғи). Натижада, креатив ёндашувга асосланган ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

бўлажак информатика ўқитувчиларида креатив фаолиятни ривожлантириш моделини амалиётга татбиқ этишнинг методик босқичлари креативликка йўналтирилган муаммоли топшириқларни тузиш ва ечиш тамойиллари ҳамда ижодий ва амалий мазмундаги масалаларга қўйилган талабларнинг вертикал педагогика билан мақбул интеграциялашув даражаларининг ўзаро адекватлиги ва самарадорлиги валидлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган амалий тавсиялардан ПЗ-20170929789 рақамли «Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш» номли амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2022 йил 12 мартдаги 04/11-1427-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак информатика ўқитувчиларининг ўқувчиларда креативликни ривожлантиришга тайёрлаш самарадорлигини оширишга эришилган;

информатикани ўқитиш жараёнида талабалар креатив фаолиятини ривожлантиришнинг интерфаол таълимга асосланган тизими муаммоли-изланишли-креатив вазиятларни интенсиф қўллашга доир изланишли, эвристик, лойиҳавий, креатив, компьютернинг таълимнинг виртуал перспектив моделига асосланган топшириқларни ишлаб чиқишга оид амалий таклиф ва тавсиялардан A&A Ausbildung und Arbeit Plus GmbH in Bremen in Germany ташкилотининг иш фаолиятини ташкил этишда фойдаланилган (A&A Ausbildung und Arbeit Plus GmbH ташкилотининг 2022 йил 16 мартдаги 2928207-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда креатив фикрлашни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи муаммоли топшириқлар Амалий дастурлар пакети курсининг «MS Excell», «MS Word» бўлимларига оид топшириқларни муаммоли таълим технологиясини амалга ошириш даражаларининг горизонтал интеграллашувини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилган ҳамда информатика ўқитиш жараёнида талабалар креатив фаолиятининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш методикаси инновацион салоҳиятга тайёргарликни таъминлашга хизмат қиладиган «Креатив–Муаммо–Интеграл ўрганиш» технологиясининг ташкилий-жараёнли блокни ўзаро биргаликда ҳаракатланувчи рамзлар занжири билан апликативлигини кенгайтиришга доир таклиф ва тавсиялари «Математик мантиқ ва алгоритмлаш асослари» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-сон буйруғи). Натижалар талабаларнинг муаммоли топшириқлар устида ишлаш лаёқатини ривожлантиришга ҳамда талабаларда креативликнинг ривожланганлик даражасини ўлчаш ва баҳолашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, 2 та монография, 2 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, 201 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «Талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида кўриб чиқиладиган муаммонинг асосий жиҳатлари, уни ечиш чоралари очиб берилган, тадқиқот траекторияси аниқлаштирилган, талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш жиҳатлари ва дидактик шартлари асослаб берилган,

информатика ўқитиш жараёнида талабаларни креатив фаолиятга тайёргарлик даражаларининг методик модели ишлаб чиқилган.

«Талабаларда креатив фаолиятни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати» деб номланган биринчи параграфда тадқиқот учун асос бўлувчи «креативлик» ва «креатив фаолият» каби тушунчаларга бўлган турлича қарашлар кўриб чиқилган (Н.Муслимов, В.Золотцева, Б.Ходжаев, М.Б.Уразова, О.Мусурмонова, М.Мирсолиева ва бошқалар). «Креативлик» ва «креатив» тушунчалари инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, яратиш қобилияти, ижодкорлик каби маъноларни билдиради. Мазкур тушунчаларнинг дастлабки изоҳлари бўйича Д. Симпсон, С.Каплан, Дж. Рензулли, Р.Стернберг, А.Танненбаум, Дж.Фельдхьюзена, К.Хеллер ва бошқа олимлар тадқиқ қилган бўлсалар-да, бизнинг фикримизча, улар олиб борган изланишларда кўрсатилган қарашлар етарли даражада асосланмаган.

Америкалик психолог Э.П. Торренсинг «Креативлик – бу шахсинг ностандарт, ижодий фикрлаш қобилияти, қарорлар, мослашувчан фикрлаш ва янги ғояларни таклиф қилиш қобилияти; мавжуд билимларнинг номутаносиблигига нисбатан сезгирлик, шахсинг муаммоларга нисбатан сезгирлиги ва уларни ҳал қилиш йўллари топишдир», деган фикри тадқиқотимиз ғояларига мос тушади.

Психологик луғатдаги «ижодкорлик» ва Торренс бўйича «креативлик» таърифларини таққослаганда, бу икки атаманинг бир-биридан фарқ қилишига гувоҳ бўлинди: фикрлашнинг мослашувчанлиги, янги билимларни излашга интилиш, аввалдан мавжуд «қолип»лардан ташқарига чиқа олиш қобилияти. Креатив фаолият хусусида сўз юритилганда, мазкур икки атамани бирлашган табиати ҳақида фикрлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу жиҳатни ҳисобга олиб, «ижод» ва «креативлик» тушунчаларининг турли таърифларини қиёсий таҳлил этиш асосида (И.П.Никитина, К.Роджерс, Р.Стернберг, И.Кулка, П.Торренс, И.П.Ильин, Н.Ю.Хрящева ва бошқалар) биз креативлик тушунчасига қуйидагича муаллифлик ёндашуви асосида таъриф бердик: «креативлик – ўзгарувчан ижтимоий-маданий шарт-шароитлар доирасига тааллуқли вазифаларни ҳал этишда шахс ва жамият қизиқишлари билан боғлиқликда инсоннинг конструктив ва оригинал фикрлашга тайёрлигидир».

«Компетенциявий ёндашув асосида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантиришнинг ўзига хосликлари» деб номланган иккинчи параграфда компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг назарий асослари (У.Иноятов, Н.Муслимов, О.Мусурмонова, Б.Ходжаев, М.Ваҳобов, М.Мирсолиева, М.Пардаева, А.Антюхов) очиб берилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш; халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш муҳим вазифалар сифатида белгилаб

берилди. Ўқитишнинг кредит-модуль тизими компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда амалга оширилиб, бўлажак мутахассисларда таркиб топтириладиган компетенцияларни модулли ўқитиш технологияларининг натижаси сифатида акс эттиради.

Компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш жараёни мутахассисда касбий ва креатив компетентликни шакллантиради. Таҳлил натижалари асосида тадқиқот доирасида креатив компетентликнинг қуйидаги компонентлари аниқлаштирилди:

мотивацион-шахсий компонент – креатив фаолиятга эҳтиёж, креатив фаолиятнинг шахсий ва ижтимоий аҳамияти англаганлиги, креатив жараён натижаларига қизиқишнинг фаол намоён бўлиши, доимий ўз-ўзини такомиллаштиришга эҳтиёжнинг англаниши;

когнитив компонент – креатив фикрлаш операциялари ва когнитив усуллар (таҳлил ва синтез, таққослаш, умумлаштириш ва таснифлаш, конкретлаштириш, индукция ва дедукция, абстрактлаш, моделлаштириш); креатив фаолият алгоритмлари ва стратегиялари;

фаолиятга доир компонент – креатив фаолиятни амалга оширишда муаммоли-изланишли усулларга таяниш; креатив фаолият алгоритмлари ва стратегияларини қўллашга шахс тайёрлиги;

рефлексив-баҳоловчи компонент – креатив фаолиятнинг продуктив усулларини белгилаб олиш мақсадида ўзининг имкониятларини баҳолашга шахснинг тайёрлиги ва кейинги амалга ошириладиган ҳаракатларга тузатишлар киритиш.



**1-расм. Талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришнинг методик тузилмаси**

Креативликнинг таркибий асосларини талқин қилишга доир бир нечта вариант кўриб чиқилди ва муаллифлик нуқтаи назаридан креатив фаолиятни ривожлантиришнинг методик тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

«Талабаларда креатив фаолиятни ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги ҳолати» номли учинчи параграфда креатив фаолиятни ташкил этиш жараёнида талабаларда касбий ва креатив компетентликни ривожлантириш зарурати илмий асосланган. Психологик-педагогик адабиётларда акс этирилган «касбий фаолиятга тайёрлик» тушунчасини ўрганиш натижаларини умумлаштириб, И.А.Сухих томонидан касбий фаолиятга тайёргарликнинг турли даражалари белгиланган. Мазкур даражалар асосида талабаларни креатив фаолиятга тайёрлик даражалари лойиҳалаштирилди (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**Талабаларни креатив фаолиятга тайёргарлик даражалари**

<b>Даража</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>
Шахсий-креатив	Креатив фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий қобилиятларни шакллантириш
Функционал-креатив	Креатив фаолият зарур бўлган жисмоний ва ақлий ресурслардан фойдалана олиш қобилияти
Шахсий-фаолиятли-креатив	Ўзига юклатилган муаммоли вазифаларни самарали бажаришга имкон берадиган креатив, шахсий фазилатлар ва малакаларнинг яхлит намоён бўлиши.

Мазкур тадқиқот ишигача амалга оширилган илмий ишлардаги мезонларни танлаш ҳақидаги таклифларга таяниб, креатив фаолиятнинг таркибий асосларига мувофиқ креатив фаолиятнинг ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари аниқлаштирилди. Креатив фаолиятнинг ривожланганлик даражаларини белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик ҳамда репродуктив, продуктив, ижодий деб олдик. .

Шундай қилиб, креативлик, креатив фаолият, креатив фикрлаш жараёнлари, креатив фаолият компонентлари, шунингдек, мезонлари, кўрсаткичлари, даражаларини таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Креатив фаолиятнинг методик тузилмасига биноан уни шакллантиришнинг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин: таълим олувчиларда касбий таълим ва эгалланаётган касбга мотивацион-шахсий йўналганликни ривожлантириш; креатив фаолиятни ташкил этиш технологиялари билан қуроллантириш; рефлексия ва ўз-ўзини объектив баҳолаш усуллари, креатив фаолиятини ҳиссий-иродавий бошқариш кўникмаларини шакллантириш.

2. Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан бош вазифа таълим олувчиларда креатив фаолиятни уларга самарали ўқув-касбий фаолиятни тақдим этадиган ва бутун ҳаёт давомида мустақил билим олишга қобилиятлиликни ривожлантирадиган даражада шакллантиришдан иборат.

3. Маълум бир муддатни тақозо этувчи, креатив фаолиятнинг турли-туман намоён бўлишини ифода этувчи шахс ривожининг сифат кўрсаткичи сифатида «креатив фаолиятни ривожланиш даражаларини баҳолаш мезонлари» тушунчасига аниқлик киритилди.

4. Креатив компетентликнинг компонентлари билан бир хил тарзда талабаларда креатив фаолиятни ривожланишини баҳолаш мезонларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди: мотивацион-шахсий, когнитив, фаолиятга доир, рефлексив-баҳоловчи.

5. Ҳар бир белгиланган мезон бўйича креатив фаолият кўрсаткичлари мазмуни очиқ берилди.

6. Креатив фаолият кўрсаткичлари индикатори сифатида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш даражалари (репродуктив, продуктив ва ижодий) белгиланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Муаммоли таълим технологиялари асосида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантиришнинг педагогик асослари» деб номланган бўлиб, мазкур бобда олий таълим тизимида муаммоли ўқитиш технологияларини қўллашнинг дидактик имкониятлари, талабаларнинг креатив фаолиятни ривожлантиришда муаммоли топшириқларнинг аҳамияти ва илмий умумлаштириш лаёқатини тарбиялаш асосида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантириш усуллари очиқ берилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи «Олий таълим тизимида муаммоли ўқитиш технологияларини қўллашнинг дидактик имкониятлари» деб номланган бўлиб, унда муаммоли таълим технологиясини қўллашнинг ўзига хосликлари кўрсатиб берилган. Талаба фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган муаммоли таълим технологияси инсоннинг фикрлаши, муаммоларни аниқлаши ҳамда тадқиқ этиши талабаларнинг ижодий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ўстиришни назарда тутди.

Мазкур параграфда муаммоли вазиятлар асосида ечиладиган топшириқлар келтириб ўтилган. Муаммоли топшириқ ҳақида фикр юритсак, у муаммоли вазиятни яратиш воситаси сифатида кўрилиб, формал шаклда берилиши мумкин. Муаммоли топшириқ талабаларнинг талаблари ва имкониятига қаратилган бўлиб, унинг берилишида ўз аксини топади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «Талабаларнинг креатив фаолиятни ривожлантиришда муаммоли топшириқларнинг аҳамияти» деб номланган бўлиб, унда «муаммоли топшириқ» тушунчасининг моҳияти очиқ берилган. Жаҳон тажрибасидан маълумки, когнитив фаолиятни бошқаришда мантиқий масалалар, ностандарт саволлар, муаммоли вазиятлар ҳосил қилувчи масалалар муҳим аҳамият касб этади. Талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш мақсадида ушбу муаммоли топшириқлар ва кейслар ёрдамида ақлий фаолиятни ривожлантириш, креатив ва мантиқий фикрлаш, хотира мустаҳкамлигини ривожлантиришга эришилади. Бу параграфда талабаларга «Амалий дастурлар пакети» модули мавзуларини ўқитиш жараёнида муаммоли топшириқлардан фойдаланиш уларнинг ўзини ўзи бошқариш, тарбиялаш, креатив фикрлашини ривожлантириш асосида



ижодкорлик фаолиятига жалб этиш, танқидий фикрлаш ва ижодий қобилиятни такомиллаштириш, юқори савиядаги етук мутахассис бўлиб этиши ва креатив фаолиятни ривожланиши илмий асосланган.

Бобнинг «Илмий умумлаштириш лаёқатини тарбиялаш асосида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантириш» номли учинчи параграфида бир масалани изчил ривожлантириб бориш билан талабаларда илмий умумлаштиришни қандай тарзда шакллантириш мумкинлигига тўхталиб ўтилган. Ушбу масалаларни ечиш орқали талабалар мустақил фикрлаш, муаммога ечим топишда ижодий ёндашиш, изланиш, таҳлил этишга ўрганади.

Диссертациянинг учинчи боби «Муаммоли таълим технологиялари асосида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантириш методикаси» деб номланиб, муаммоли таълим технологиялари асосида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантиришнинг дидактик модели, муаммоли ёндашув асосида «Амалий дастурлар пакети» модулини ўқитишда аралаш таълим дарсларини лойиҳалаш мазмуни ва креатив фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган методикалар ёрдамида креативликни темперамент хусусиятлари билан интегратив аниқлаш методикаси очиб берилган.

«Муаммоли таълим технологиялари асосида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантиришнинг дидактик модели» номли биринчи параграфда информатика ўқитиш, компетентли, тизимли, шахсга йўналтирилган ва фаолиятли ёндашув тамойилларига таяниб, талабаларда креатив фаолиятни ривожлантириш методикаси компонентлари ижтимоий буюртмага мос келиши, узлуксизлиги, узвийлиги ва изчиллиги, талабалар онглилиги ва фаоллиги асосида қурилиши лозимлиги кўрсатиб берилди.

Тадқиқ этилаётган жараёни моделлаштиришнинг назарий-методологик асоси сифатида қуйидаги қоидаларга таянилди:

тизимли-жараёнли, шахсий-фаолиятга йўналтирилган, аксиологик ва рефлексив ёндашувлар;

педагогик лойиҳалаш назарияси, муаммоли-ривожлантирувчи таълим муҳитини моделлаштириш;


дидактик ва методик таъминотни яратишнинг назарий асослари;

акмешахсни шакллантириш, узлуксиз информатика таълими концепцияси;

креатив фаолиятни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари.

Талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш модели мақсадга йўналтирилган, назарий-методологик, мазмунга доир, ташкилий ва натижавийлик компонентларини ўзида акс эттирди (2-расмга қаранг).

Мақсадга йўналтирилган блок талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш тизимининг бошқа блоклари учун етакчи роль ўйнайди. Мазкур блок мазмунини аниқлаштириш асосида тадқиқот соҳасига доир таълим стандарти ва ижтимоий буюртма, меъёрий-ҳуқуқий асослар белгилаб олинди. Шунингдек, моделнинг мақсад ва вазифалари аниқлаштирилди.



**2-расм. Талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш модели.**

Талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантиришда ижтимоий буюртма сифатида Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуни, олий таълим тизимини ривожлантириш Концепцияси, Давлат таълим стандарти (ДТС) ва Малака талаблари (МТ) белгилаб олинди.

Педагогика соҳаси ДТС ва МТ таҳлили олий таълим тизимида талабалар креатив фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш мазмуни ва компонентларини оптималлаштириш лозимлигини кўрсатди.

Тизимнинг мақсадга йўналганлиги маълум натижаларга эришиш билан белгиланади. Мақсадни аниқлаштириш ишлаб чиқиладиган тизим жавоб бериши лозим бўлган бир қатор саволларга эътибор қаратиш орқали амалга оширилади. Талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш учун мазкур жараённинг якуний натижаси аниқ акс эттирилиши лозим. Моделнинг мақсади талабалар креатив фаолиятини ривожлантириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш тарзида аниқлаштирилди.

Моделни ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди:

- 1) талабалар креатив фаолиятини ривожлантириш моделини ишлаб чиқишга доир методологик ёндашувларни аниқлаштириш;
- 2) моделнинг компонентли тузилмасини аниқлаштириш;
- 3) модель компонентлари ва элементлари ўртасидаги алоқадорликни очиқ бериш;
- 4) моделнинг компонентли тузилмаси ва элементларига тавсиф бериш.

Талабалар креатив компетентлигини ривожлантиришнинг юқорида кўрсатилган мақсад ва вазифалари мажмуаси методологик ёндашувлар билан боғлиқ.


«Муаммоли ёндашув асосида «Амалий дастурлар пакети» модулини ўқитишда аралаш таълимга асосланган машғулотларни лойиҳалаш мазмуни» деб номланган иккинчи параграфда «Амалий дастурлар пакети» модулини ўқитишнинг интерфаол технологияси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди (3-расмга қаранг).

Creative+Problem+Integrative Learning технологияси қуйидаги методлар ва технологияларни ўзида умумлаштирган:

**Creative-Based.** Креатив ёндашув иштирокчининг ижодкорлик, топқирлик, тиришқоқлик, яширин фикр ва ресурсларини юзага чиқаришга асосланган ўқитиш бўлиб, бизнинг технологиямизда ўқувчини фанга қизиқтириш, муаммони ечишга креатив ёндашишни ривожлантириш вазифасини бажаради.

**Problem Based.** Муаммоли таълим ёки ўқитишга муаммоли ёндашув билим, кўникма, малака ва компетенция фаолиятини муаммоли масалалар ёрдамида ривожлантириш назарда тутилади. Муаммоли таълим талабанинг салоҳияти, потенциал фаолиятга тайёрлашда мавжуд мулоҳазали жиҳатларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эга.

# “Creative+Problem+ Integrative Learning”



## 3-расм. Creative+Problem+Integrative Learning технологияси


